

КОМИЛ ЯШИН

АСАРЛАР

ОЛТИ ЖИЛДЛИК

Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1980

КОМИЛ ЯШИН

АСАРЛАР
ОЛТИНЧИ ЖИЛД

ТАРЖИМАЛАР

Тошкент
Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1980

84Уз
Я 96

Яшин, Комил.

Асарлар: 6 жилдлик.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.—
6-чи жилд. Таржималар. 416 б.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, академик Комил Яшинни фақат драматург ва ёзувчи сифати дағина эмас, балки моҳир таржимон сифатида ҳам яхши танийдилар. Ушбу якунловчи олтинчи жилд ана шундай таржималардан ташкил топди. Улар орасида В. Шекспирнинг «Анточий ва Клеопатра», Берди Кербобоевнинг «Махтумқули» пьесаси сингари машҳур асарлар бор.

Яшен, Камил. Собрание сочинений
В 6-ти т. Т. 6. Переводы.

84Уз

3703040 100— 214
Я М352 /04/—80 9—80

БЕРДИ КЕРБОБОВ

МАХТУМҚУЛИ

(«Халқ шоири»)

Тўрт пардали, муқаддимали драма.

МУҚАДДИМА

Парда юзида Шерғозихон мадрасасининг пештоқи кўринади.
Махтумқули китоб варақлаган ҳолда аста-секин босиб келади. Ахтарган нарсасини топади-ю, бирданига таққа тўхтайди, димоги чоғ, ўйнаб кетади.

Махтумқули

Топдим, топдим!.. Худди ўшанинг ўзи!
Бу асил ҳақиқат, аллома сўзи.

(Яна китобга қарайди.)

Поёни йўқ кўкда қуёш ёнади,
Сўлим ой қуёшдан зиё олади.
Охундлар, муфтилар, кўнгли кўр олим
Эл устида ҳоким ҳар ғаддор золим.

Ҳайқириқ эшитилади. Махтумқули тинглайди.

Овоз

Бож тўламаганнинг кўринг ҳолини,
Жонин қийнаб талайдирмиз молини!

Ярим яланғоч ғариб қашшоқни икки ёндан орқасига дарра уриб олиб ўтишади. Ҳар урганда кимдир «Ўттиз уч, ўттиз тўрт» деб санайди. Ғариб инграйди. Тахтиравон кўтарган тўрт қулвачча киради. Тахтиравонда эғнида зар чопон, белида заррин камар, бошида кўк салла раис ўтиради.
У қўлидаги ялтироқ тасбеҳ билан дарра зарбини санайди.

Махтумқули

(раисга қараб)

Луқмондек ҳар ишнинг сирин билсанг ҳам,
Искандардек ер юзини олсанг ҳам,

Рустамдек ҳукмингга девни солсанг ҳам,
Юз тупроқ бўларсан, ердек бўларсан!
Ҳикматли бир сўз айтай, ол қулоққа,
Хосият йўқ ноҳақ урган таёқда.
Золимлар хор бўлар, қолар оёқда,
Фариб, сен йнғлама, шердек бўларсан!

Р а и с

(Махтумқулига муштини кўрсатиб.)

Ким хор? Ким шер!.. Кўрсатаман мен сенга!

(Бир томонга чиқиб кетади.)

Махтумқули газабини босади, ўйланади, Чўвдур киради. Менглидан келган хатни Махтумқулига бериб, ўзи яна қайтиб кетади. У ўқиб, даҳшатга тушади.

М а х т у м қ у л и

Тез кел... Бўлмаса ёринг Менглидан бир умр жудо... Бекдан совчилар. *(Жим қолади ва бирдан фарёд кўтаради.)*

Менгли! Жоним Менгли!
Жон ҳалқумга келди, ёндим, ёрилдим,
Бағишласанг нетар, ёрни, эй фалак!
Начоғлиқ севишдим, беваж айрилдим.
Бағишласанг нетар ёрни, эй фалак.
Ихлос билан севгандирман у ёри,
Ўртанди жигарим, кетди қарори,
У анда оҳ чекар, мен бунда зори...
Бағишласанг нетар ёрни, эй фалак.
Махтумқули, дунё эски жаҳондир,
Севишмаклик бу дастури замондир.
Гуноҳим кўп бўлса, караминг кондир,
Бағишласанг нетар ёрни, эй фалак!

(Гамгин чиқиб кетади.)

БИРИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Деворлари кунгирадор, устулларига сиркорлик билан нақшлар солинган масжиднинг ичи. Юқорида айланма панжара. Муллаваччалар дарс олиш учун Охунд домланинг йўлига кўз тикиб ўтиришибди. Эғниларида хилма-хил кийим, олдиларида катта китоблар. Чўвдур Махтумқулининг газалларидан бирини қўшиққа солиб ўқийди. Бошқалар завқ билан тинглашади.

Ч ў в д у р

Ҳар йигитнинг аслин билай десангиз,
Маъракада ўтириб-туришин кўринг,
Биров билан ошна бўлай десангиз,
Аввал ўз сўзида туришин кўринг.
Узоқ-яқин йўлга борар бўлсангиз,
Мардлик қиличини солар бўлсангиз,
Бир бедовни сайлаб олар бўлсангиз,
Сийнасин, сағрисин, керишинг кўринг.
Золимлар унутди зикри оллони,
Арзон олиб, қиммат сотар ғаллани.
Судхўр ноинсофлар ҳалол тиллани
Ҳаром фойдасига беришин кўринг.

Б и р и н ч и т а л а б а

Олтин деса бўлур ҳар айтган сўзин.

Ч ў в д у р

Ҳазил билма Махтумқулининг ўзин.

Б и р и н ч и т а л а б а

Бағрингга шодмонлик тўлар ундан.

Ч ў в д у р

Жавоҳир, марварид тўкилар ундан.

У ч и н ч и т а л а б а

Арш-кўкка кўтардингиз, эй валлоҳ!
Ҳар шоирдан чиқар бўлса авлиё...

Б и р и н ч и т а л а б а

Нима дейди, бу худотарс бенамоз?

(Кулишади.)

У ч и н ч и т а л а б а

Катта кетма!

Ч ў в д у р

Наф олмаган ўғитдан...

Б и р и н ч и т а л а б а

Тафовути йўқдир қуриган тутдан.

Кулишади. Учинчи талабанинг жаҳли чиқади.

И к к и н ч и т а л а б а

Охунд домла келяпти, бас қилинг, бас!

Талабалар жойларидан туриб Охундга йўл беришади, бошида йўгон салла,
оппоқ соқол Охунд домла меҳробга ўтиб ўтиради.

О х у н д

Муллаваччалар, дарс бугун ҳикматдан:
Яхши қулоқ солнинг, мураккаб бу фан.
Шарнат йўлларин билдиринг элга,
Хатми кутуб қилинг, жо этинг дилга.
Мушкул, чигалларни осон ечмоққа

Ҳикмат керак, тўғри ҳукм этмоққа.
Ҳикмат — фалсафадир, оз-моз билса бас,
Муккадан кетманг ҳеч камроқ олинг дарс.
Кўпроқ ўқисангу, тушунсанг теран
Озиб жудо бўласан ақлу ҳушингдан,
Натижада динга путур етади,
У одам сақарга тўғри кетади.
Тангрим, бизни ўзинг балодан асра!

(Ен-верига қарайди. Пауза.)
Кўрмайпман Махтумқули қаерда?

Ч ў в д у р

Тақсир, Махтумқули...

О х у н д

Боя янглишди.
Эсингда борми, хатога кетди...

У ч и н ч и т а л а б а

У билан ўша кунни баҳслашган мен.

Ч ў в д у р

Баҳслашиб ўртадан «чий!» — деб қочган сен.

О х у н д

Шошманг... қайси масалада тўхтовдик?

У ч и н ч и т а л а б а

Еру кўкни олло қандай яратган?

О х у н д

Ҳовва... Тангрим ерни қандай яратган?

И к к и н ч и т а л а б а

Кунпаякун! Бир зумда ер яралган.

О х у н д

Баракалла!

Махтумқули кириб қулоқ солади.

Иккинчи талаба

Ерда қирқ бир қатлам бор.
Унда не бор, билур фақат биру бор.

Учинчи талаба

Эгам қудратн... Ер юзи теп-текис,
Остида туради зўр сариқ ҳўкиз.
Ҳўкиз балиқ тепасида туради.
Балиқ ризқин топиб сувда сузади.

Махтумқули

(кинояли)

Тақсир!..

О х у н д

Махтумқули...

Махтумқули

Йўқ майли... Охунд...

О х у н д

Тилга келганин қайтарма, қани?

Махтумқули

Тақсир, фаҳмимча, бу нотўғри бир гап...

О х у н д

Йўқса қандай? Гапир!

Учинчи талаба

Шаккок...

Иккинчи талаба

Ўтир, хап!

Махтумқули

Уч қисми сув — тентак, дарё.
Бир қисми ерда, минг ғавго.
Билмадим бу кўҳна дунё,
Ераб, неча ёшиндадур...
Ер тагида ҳеч нарса йўқ,
Ҳўкиз ҳам, балиқ ҳам йўқ.
Кенг бўшлиқда кезар ўзи,
Ернинг мулки — осмон юзи!

Охунд билан учинчи талаба кўзлари аланг-жалаңг бўлиб, ёқаларини тутадилар. Талабалар ҳам сакраб жойларидан туришади.

Иккинчи талаба

Бу шаккоклик!

Учинчи талаба

Динсиз шундай фаҳм этар!

Чўвдур

Эсончилик бўлса, умр кўрсатар.

Учинчи талаба

Миясига халал етган шоир у.

Биринчи талаба

Фан-ҳунарга сену мендан моҳир у.

Охунд

(қўлини тўлғаб талабаларни тинчитади. Сўнгера Махтумқулига)

Хатонгни сен яна такрор қиялпсан,
Ҳаддан ошиб, қалтис сўзлар айтяпсан.
Сен Хивадан Атраксойга жўнаб боқ,
Йўл босасан ўн беш кундан ҳам мўлроқ,
Бу орада бир томчи ҳам сув йўқ-ку!

М а х т у м қ у л и

Баҳри муҳит...

О х у н д

Тўхта... Тилингни сақла!

М а х т у м қ у л и

Ер юзида денгизларнинг сони йўқ,
Қора ер тўртдан бир...

О х у н д

Ғалат, тавба де!
Ғойибни билмайдн оллодан ўзга!

М а х т у м қ у л и

Тақсир, китобларда ташланар кўзга.

О х у н д

Йўлдан чиқдинг!

М а х т у м қ у л и

Тақсир, сизнинг сўзингиз ғалат!

О х у н д

Сарвари коннот биледи фақат!

М а х т у м қ у л и

Ҳақиқатга теран тушунмоқ лозим.

О х у н д

Динга керак эмас сен каби нозим!

(Шоирнинг қўлтиғидаги китобларини юлиб олади. Қалтираган қўллари билан китобни варақлайди, жирканиб ўқийди.)
Арис-то-тель?

И к к и н ч и т а л а б а

Арис-то-тель?

У ч и н ч и т а л а б а

Арис-то-тель?

О х у н д

Миянгни қурт бўлиб ебдилар — ҳайҳот!
(Иккинчи китобни очганда яна жирканади.)
Аф-ло-ту-ун?!

У ч и н ч и т а л а б а

Алайҳилаъна!

И к к и н ч и т а л а б а

Аф-ло-ту-ун?

О х у н д

Ақлу ҳушин барбод этибдир бутун...

Б и р и н ч и т а л а б а

Муҳтарам шоирга бу гап...

Ч ў в д у р

Туҳматдур!

О х у н д

Мулла Чўвдур, кўп вайсама сен тек тур.

(Махтумқулига.)

Уқирмидинг китобларни донмо?

М а х т у м қ у л и

Жаҳон-жаҳон хазиналардан аъло.

О х у н д

(китоб орасидан ғазал битилган бир парча қоғозни топиб олади)

Бу шеърни сен ёздингми?

М а х т у м қ у л и

Ҳовва, мен.

О х у н д

Янги ғазал, эшитайлик, ўқи сен!

М а х т у м қ у л и

(теварак-ёнига қараб олиб, ёддан ўқийди)

Кўнглим истар: кезсам экан оламни,
Қанотим йўқ, уча билмам, найлайн!
Уқийман, кўрарман барча каломни,
Маъносини еча билмам, найлайн!
Кўплар унда ғоввос бўлиб сузарлар,
Менга аён халқдан пинҳон кезарлар,
Гул болада гулгун шароб эзарлар,
Қўл узатиб нча билмам, найлайн!
Уй ташидан шароб ичиб нўш қилдим,
Кетди ақлим ўзим билмай жўш қилдим,
Маст бўлдим, берк эшикка дуч келдим,
Рухсат бўлмай оча билмам, найлайн?
Йўл йўқотдим, тоғ қайси-ю, туз қайси,

Уқмас дилим: маъно қайси, сўз қайси?
Фаҳмим етмас, йўл қайси-ю, из қайси?
Умид узиб қоча билмам, найлайин!

Охунд қўлини тўлаб: «Бас эт!»— деб ўшқиради. Шоир яна зўр завқ билан
ўқийди.

Махтумқули, бу дунёнинг номусин,
Инғиб, тугиб, елга бердим ҳаммасин!
Фикр дарёсига ақлим кемасин —
Ботирмишман, чиқа билмам, найлайин!

Ч ў в д у р

Соғ бўл, Махтумқули!

Б и р и н ч и т а л а б а

Ҳай баракалла!

О х у н д

Гапирманг... бу қандай бузғунлик, олло?
Иблис муфаттиндан бер ўзинг паноҳ,
Шаккок, бу сўзларинг динга оғу-ўқ!
Мадрасада... энди сенга ўрин йўқ!

М а х т у м қ у л и

Тақсир!

О х у н д

Тугат!.. Бу ер диний мадраса,
Ўқитилмас бунда ҳисоб, ҳандаса,
Аҳкомн шарнат қуръонн ҳақим —
Ўқитилар. Арасту, Афлотунинг ким?!
Мударрис бўлишга қолганда яқин
Тақдиринг шу экан, сени урмиш жин!

М а х т у м қ у л и

Тақсир, бундай эмас!

О х у н д

Эшитмайман, бас!
Кўринма кўзимга, кет бундан, нокас!

М а х т у м қ у л и

Ҳа, майли.

И к к и н ч и т а л а б а

Хўп бўлди!

У ч и н ч и т а л а б а

Кўч-кўронинг ол!

О х у н д

Бошинг кетмай туриб, ўзинг кет, йўқол!

М а х т у м қ у л и

Бунда нафас етмай фарёд этар жон,
Ўзингга буюрсин бу қафас — зиндон!
Насимийдек тилсалар ҳам теримни
Қайтмагайман...

О х у н д

Етар бас, тий тилингни!
Бу даҳрийнинг кўрмаиғ юзин, касофат!
Умар Хайём каби имонга офат!

Шоир нималардир демоқчи бўлади, Охунд ўшқиради.

Қулоқ бекитинг, эшитманг сўзин!

Муллавааччалар қулоқларига бармоқларини тиқишади.

Кўринма кўзимга!

М а х т у м қ у л и

Сиз зулмат аждари!

О х у н д

Кет бу шарофат!

Махтумқули Охундинг қўлидан китобларини тортиб олиб эшик томон
йўналади.

Ч ў в д у р

Махтумқули, тур андак...

О х у н д

(шоирнинг изидан)

Худо урган бахти қаро, бир тентак...

Ма х т у м қ у л и

*[мачитнинг ўртасига бориб тўхтаб бир талабаларга, бир
Чўвдурга қараб олади)*

Ҳамдам бўлиб ўтирма ножинс билан,
Гўнгга тегсанг бурнинг тўлар ис билан.
Гавҳар тошин узук этсанг мис билан,
Қиммати синмагай, ҳурмат яхшидир!

О х у н д

Ёмонлардан сақла, бизни, ё раҳмон!
Ёмонлар кўпайса бузилгай замон.

(Талабаларнинг икки хаёл бўлганини сезиб.)

Муллалар, тингламанг ёлғондир сўзи!
Кесилсин тили, қорайсин юзи!

Ма х т у м қ у л и

*(деразага яқин бориб яна тўхтайди. Теварак-атрофга
меҳр кўзи билан қарайди)*

Уқидим, ўргандим, ичдим тузингни,
Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал Шерғозн.
Утказдим қишингни, наврўз-ёзингни,

Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал Шерғози!
Юрар чоғимда ҳам, ғоздек юрарман,
Шеърим билан кенг жаҳонни кезарман,
Жаҳон ичра асал, шакар эзарман.
Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал Шерғози!

Махтумқули силкину, тўк дардингни,
Қўй, қувсинлар кам этмагил гапингни.
Ҳеч қачон унутмам тилла қопингни,
Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал Шерғози!

(Шеърнинг сўнги банди эшикнинг орқасидан эшитилади.)

Ч ў в д у р

Тақсир, қувинг мени...

О х у н д

Чўвдур, айб бўлар!

Ч ў в д у р

Мендан мулла чиқмас, умрим ҳайф кетар.

О х у н д

Исён шайтондандир, сабр раҳмондан,
Ихлос этган мурод топар коридан.

Ч ў в д у р

Махтумқули динсиз бўлса... мен кимман?
Еқанг тутиб бу ишларга ҳайронсан.
Э, йўқ... Сен қувмасанг... — ўзим ўзимни —
Қувдим, кетдим калта қилдим сўзимни!

Ч ў в д у р шовқинларга қарамай, қўлтигидан тушиб қолган китобларга эътибор бермай, шахдам одимлаб чиқиб кетади. Иккинчи талаба ҳам унинг изидан кетади.

О х у н д

(талабалар руҳига кириб)

Шарнати ғарройи набавия —
Хор бўлур малъунга бермасак зарба.
Валонинг олдини олмоқ керакдир,
Аблаҳни зиндонга солмоқ керакдир.
Сарвари коннот амри қурашмоқ
Жаннатнинг калитин қўлимга олмоқ,
Ўзинг мадад бергин, парвардигоро.

У ч и н ч и т а л а б а

Омин! Омин!

Бошқалар ҳам дуога қўл кўтаришади.

О х у н д

Чарчадим, ўтамиз дарсни эртага,

Талабалар ҳам чиқишади. Охунд ўзи якка.

Жирканч ғазалларни у бенишоннинг
Тўкар обрўйини Охунд, эшоннинг.
Хонга хабар берай, шу он, шу замон,
Ўздирсин бошнини, қўймасин омон.
(Чопонини кийиб, шошилиб чиқиб кетади.)

ИККИНЧИ ҚУРИНИШ

Хива хонининг шарқ услубида солинган ҳашаматли саройи. Хоннинг ёни-
да лашкарбоши турибди.

Л а ш к а р б о ш и

Хон ҳазрати, мартабангиз баланддир!
Хоразм ўлкаси...

Х о н

Сабр эт, бир оз тур!
Лашкарбоши, ишонч борми қўшинида?

Л а ш к а р б о ш и

Дунёга ўт қўяр, берсалар фармон.

Х о н

Сен биласан... Эрон билан ўртада
Кўчманчи эл гоҳ сунний, гоҳ шнага
Бўйин эгар... баъзан бошини кўтарар
Танг вақтда талай қўшинни қирар.
Мари, Аҳал ҳам Атракка кетилсин!
Туркман борки бизга муте этилсин!

Л а ш к а р б о ш и

Туркманларни муте?

Х о н

Қиноя билан, Ботир не дейди?

Л а ш к а р б о ш и

Хон ҳазратим, йўл ёмон, хавф-хатарли.

Х о н

Қўшинга ишончинг шундайми ҳали?

Л а ш к а р б о ш и

Аниқ маскани йўқ ваҳший Туркманнинг,
Бир кун унда, бир кун бунда кўчар у,
Қувса етар, қочса елдек учар у,
Қум саҳрода бўри бўлар, мард бўлар,
Бугун муте этсанг, эрта дард бўлар.

Х о н

Туркманларни қўл остимга олмасам,
Ҳийла билан ўз йўлимга солмасам,
Бош кўтарар бирдан Чўвдур ёв ўлар.
Манглайн қоралар, йиртқич бургутлар,
Яна менга Эрондан хавф-хатар бор.
Даҳшатли хавф тахтим қилур беқарор;

Ёғлиқ бир луқмадур Туркман ўртада.
Бирин қўлга олсанг, униси яна,
Исён кўтарди... Бир йўл топайлик,
Ҳийла билан ё куч билан олайлик,
Туркманлар тенги йўқ, баҳодир лашкар,
Шундай қўшни билан топаман зафар!

М и р з о

(кириб)

Қиблагоҳ, бандангиз хизматга тайёр,
Рухсат бўлса...

Х о н

Гапир, қандай хабар бор?

М и р з о

Шерғозихон мадрасасин охуни,
Арзга келди...

Х о н

Кирсин.

М и р з о чиқади.

Х о н

Лашкарбоши, энди йўлга шайланинг,
Боринг бир оз ташқарида айланинг.

Л а ш к а р б о ш и чиқади. О х у н д киради.

О х у н д

Амир, аъзам, бир кўришга зордирман,
Дуч этган оллога миннатдордирман.

Х о н

Хуш келибсиз...

О х у н д

Давлат динга ҳомийдир,
Чин истеҳком — мадрасаю жомеъдир.

Х о н

Сарой девонда охунд уламо,
Чирогдир, саройга бергайлар зиё.

О х у н д

Шуҳратингиз кетсин бутун Туронга.

Х о н

На хизмат, Охундим?

О х у н д

Динга, қуръонга —
Шак келтирган расво шармандалар бор,
Сақла имонимни, эй парвардигор!

Х о н

Илтимос, гапиринг менга очикроқ?

О х у н д

Динсиз муртадларни йўқ этинг, тезроқ,
Бизнинг мадрасада билимдон шайтон
Бош кўтарди динга қарши беомон!

Х о н

Динга зарар берган ким бўлса-бўлсин,
Бозорда тупроққа тирик кўмпилсин!

О х у н д

Сиз учун очикдир жаннатн ризвон.

Х о н

Улимга ҳукм этдим ёзилсин фармон!

Мирзо фармон ёза бошлайди.

О х у н д

Махтумқули номли исқирт, бенамоз...

Х о н

Махтумқули?! Махтумқули... сабр этинг бир оз,
Махтумқули деган бўларди шоир?!

О х у н д

Ҳа, Хайём шогирди, бетавфиқ, кофир!

Х о н

Тўхтанг, тўхтанг, ўйлаб олай яхшлаб.

(Пауза.)

Кўкка кўтаргансиз бир вақтлар мақтаб...

О х у н д

Тўғри, хоним, аммо йўлдан адашди,
Аналҳақ деб худоликни талашди.

Х о н

Қани, ҳозир Махтумқули қаерда?

О х у н д

Қувдик, этдик ўз элига бадарға!

Х о н

Қувдик?!

О х у н д

Қувдик, йўқса шарнат хор бўларди,
Яхшиларга кенг олам тор бўларди.

Р а и с

(тортиниб киради)

Хон ҳазратим...

Х о н

Нега кирдинг, беизин?

Р а и с

Фармон қилинг, майли, бошим кесилсин!

Х о н

Сўзла!

Р а и с

Хоним, оғзи шалоқ шу шоир,
Обрўйингиз тўкди...

Х о н

Қим у, айт ҳозир!

Р а и с

Олди у гуноҳкор ёмонлар ёпини,
Деди, шердек йиртинг хону бек жонин,
Яна бир хабарни этайин баён:
Бир бақдин эшитинг на деб бу ёмон:
«Мен ҳикматдан сўз дедим ол қулоққа.
Хосият йўқ ноҳақ урган таёқда.
Золимлар хор бўлар, қолар оёқда.
Ғариб, сен йиғлама, шердек бўларсан!»

Хон

Ким ул шоир?

Раис

Оти Махтумқулидир.
Сизга қарши сўз тарқатар...

Хон

Шошма, тур!

Охунд

Хон ҳазратим, ул язидни осинг тез,
Дин номидан сиздан талаб этамиз!

Хон

Мендан талаб? Қимсиз? Буйруқ берасиз?

Охунд

Авф этинг, ҳазрат.

(Иккови хон оёғига йиқилади.)

Хон

Қовоқ бошлар бетамиз,

(Раисга.)

Шоир қайда?

Раис

Биз гуноҳкор, ожиз, расво, улуг хон,
Қарвон билан чиқди Атрак йўлга.
Рухсат беринг, етказмайлик элига!

Х о н

Эй, очкўзлар, мол бандаси, аҳмоқлар,
Бошингизда ўйнатаман тўқмоқлар!
Туркман учун шоир шараф ғурурдир.
Ҳар бир сўзи юз қиличдан ўткирдир...
Қўлга олсам эди Махтумқулни,
Қул қилардим асов Туркман элини!
Шоир учун талаб қилган жазога,
Сиз ўзингиз лойиқ...

Р а и с

Қолдик балага!

О х у н д

(таъзим қилиб)

Жаноб олийлари!

Х о н

Вой сиз!

Р а и с

(тиз чўқади)

Раҳм этинг!

О х у н д

Гуноҳимиз кечинг.

Х о н

Иўқса тез кетинг!
Айтганимни қилинг дарҳол жо-бажо,
Тилла, кумуш зарбоф чопон муҳайё.
Отланг-да, етинг дарров изидан,
Қўчманчи халқ чиқмас унинг сўзидан.
Ҳарна қилинг Нўбатхонга стказманг,
Вақт ғанимат кетинг, топинг, бўшашманг!

Нўбатхон у... Фатхалининг кучуги,
Эроннинг жосуси бизда бор ўчи!
Унга борса ишни мохов қилади.
Туркманларни ёв беаёв қилади.

О х у н д

Амрингизга тайёрман, хоним,
Давлат учун фидодир жоним.

Х о н

Боринг, Махтумқули қўлдан чиқмасин!

И к к о в и

Чиқмайди, хоним!

Х о н

Қабул этинг, қандай оғир шарт қўйса,
Сотиб олинг олтинга ҳам тенг бўлса,
Шоҳ ҳукмида кўринг, шоир келса бахт.
Эрон, Туронга нур сочар олтин тахт!
Мабодо келмаса...

Р а и с

Олиб келамиз.

Х о н

Бордию, келмаса, яна кўрамиз,

Р а и с билан О х у н д ергача бош эгиб чиқиб кетишади. Хон ўзи ёлғиз.

Келар шоир, олтин тахтимни ўпар!
Эгилар тикка бош сочилганда зар...
Махтумқули бўлсин кўшким булбули,
Илҳом берсин унга бахтимнинг гули.

Шоирлар тебратар сарой бешигин,
Шоир очар Хуросоннинг эшигин.
Махтумқули менга бўлса мададкор,
Туркман панжамдадир, қулдур, хизматкор!

ИККИНЧИ ПАРДА
УЧИНЧИ ҚҶРИНИШ

Илк оқшом. Сутдек ойдин. Атрак дарёсининг бўйида бир кўкаламзор майдон. Теварак-атрофда шинам боғлар. Дарёнинг бериги бўйида чинор. Бир тўда башанг қизлар иккита-иккита бўлишиб, бир-бирларига рўпара туриб, қўллариди лoла, ўйин тушадилар. Йигитлардан бири чопонини тескари кийиб келади. Қизларни қўрқитмоқчи бўлиб «ваҳ-ваҳ» дейди. Қизлардан бири унинг қуйруғидан маҳкам тутганда йигит чопонини ташлаб қочади.

Биринчи қиз

Киммиш бизни қўрқитган?

Иккинчи қиз

Кўзи шилпиқ бир кучук!

Биринчи қиз

Думини қимирлатди.

Иккинчи қиз

Терисини ташлаб кетди.

Хахолаб кулишади.

Биринчи қиз

Ҳой қизлар, ҳой қизлар!
Чанговуз чалайлик бизлар.

Иккинчи қиз

Менгли лoла тақсин-да.
Атрак бўлиб оқсин-да.

Б и р и н ч и қ и з

Келинг, келинг, чалайлик,
Лола, қўшиқ айтайлик.

Қизлар қатор туришиб чанговуз чалишади. Менгли лола тақади.

М е н г л и

Хива дон-а, Хива дон,
Хива дони уйма дон.
Хива кетган, Хивалим
Қачон келар Хивадан?
Ҳай лале..
Ғайрадан отли келар,
Гултоғи хатли келар.
Менинг ёрим ёрина,
Қиммат совгатли келар!
Ҳай лале..

Б и р и н ч и қ и з

Қатор-қатор турайлик,
Бекинмачоқ ўйнайлик.

Ўйнашади, бир-бирларини қувишади, қийқиришади.

И к к и н ч и қ и з

О, қизлар-о, қизлар,
Тўхтанг, овоз келади.

Залилининг товуши эшитилади.

З а л и л и

Тоғам келди, тоғам келди,
Ҳе, суюнчи... тоғам келди!

З а л и л и қизлар орасига киради, Менгли уни тутмоқчи бўлиб қувлайди.
З а л и л и «суюнчи» деб уриб қочади.

Б и р и н ч и қ и з

Махтумқули келармиш, ҳайжон!
Кўзинг ойдин, Менглижон!

Қизлар Менглига тегишиб кулишади.

И к к и н ч и қ и з

Келсин, кўрайлик...
Биз беҳабар қолмайлик.

Қ и з л а р к е т и ш а д и . Г о в у р - г у в у р . О д а м л а р к ў р и н а д и .

О в о з л а р

— Келсин, шоир.
— Келсин, келсин марҳабо...
— Шоир шеърни берур бизга завқ-сафо.

О з о д и й б и л а н б и р - и к к и д е ҳ қ о н о л д и н г а ч и қ и ш а д и .

Б и р и н ч и қ и з

Ешулимиз, эй ҳурматли Озодий!
Эл қувончи — Махтумқулининг оғи!
Яшарар юрт шоир битган азалдан.

О з о д и й

Ота касби ҳалол бўлган азалдан.
Аммо келди кутганимдан эртaroқ
Нима сабаб?

Б и р и н ч и д е ҳ қ о н

Қайта келди кечикиброқ.

И к к и н ч и д е ҳ қ о н

Тўхтанг, тўхтанг, аллақандай овоз?

З а л л и

(ҳовлиқиб киради)

Суюнчи, тоғам келди.

М а х т у м қ у л и б и л а н Ч ў в д у р к и р а д и л а р .

Махтумқули

Салом сизга, тоға, хола, оғайним!

Турли овозлар

— Ассалом!

— Ассалом!

Озодий

Салом!

Қизгин қучоқлашади. Махтумқули кампирлар билан меҳрибон кўришади.

Соғ келдингми, болам?

Махтумқули

Шукур, отажон.

Озодий

Хива қалъасидан чиқдингиз қачон?

Махтумқули

Навбаҳорнинг ўн тўртида жўнадик.

Чўвдур

Қарвон билан ўн тўрт кунча йўл юрдик.

Озодий

Чўвдур сенми?

Чўвдур

Кўрмайдими кўзларинг?

Озодий

Кексайдим, хира кўзим!

Иккинчи деҳқон

Ҳазиллашар.

Махтумқули

Қора тошда қора қилни кўрган кўз...

Озодий

Баракалла, ўғлим, хатм этдингми,
Охундлардан фотиҳа олиб қайтдингми?

Махтумқули нима деб жавоб қилишини билмайди. Залилини эркалайди.
Чўвдур унга кўмаклашади.

Чўвдур

Махтумқули илму фазл эгаси,
Уйинчоқ бўп қолди Охунднинг дарси.

Нўбатхон киради.

Нўбатхон

Салом, Махтумқули.

Махтумқули

Салом, Нўбатхон!

Иссиқ кўришадилар.

Нўбатхон

Кутдик элимизнинг қувонч, ғурурин,
Йўлингизга тўкиб, кўзларнинг нурин,
Катта мулла, қутлуғ бўлсин!..

Озодий

Соғ бўл, хон!
Хатм этибдир катта-катта китобни.

Н ў б а т х о н

Ғоят яхши! Қурадирмиз мадраса,
Дарс ўқийди ўғлинг, олло буюрса.

О з о д и й

Сендан миннатдорман буткул, Нўбатхон!

Н ў б а т х о н

Муллолар бор экану тожу тахт омон!
Шариат пешвоси худо вакили.

М а х т у м қ у л и

Минг-минг шукур, кўрдим кўп юрт, кўп элни!

(Айланага кўз ташлаб.)

Кўрдим, Бухор, Аштархонни, Хивани,
Астрабод, Теҳрон ҳам Исфиҳонни.
Эронга, Туронга, қайга бормадим,
Ўзал ўлкам каби Ватан кўрмадим.
Ундирган, ўстирган мени Ватаним,
Фидо бўлсин сенга жон билан таним.
Ғурбатда ўтларга ёниб пишмаган,
Золимлар зулмидан қайнаб тошмаган:
Ватандан айрилиб, ёлғизликни кўрмаган
Ўлкасида эл қадрини на билсин.

Н ў б а т х о н

Баракалла! Сайра булбулим, сайра!

Б и р и н ч и д е ҳ қ о н

Маъноли сўзларнинг мубталоси дил,

И к к и н ч и д е ҳ қ о н

Шоирлар, шеър айтиб, қилинглар ҳазил.

О з о д и й

Мендан буни сўрамасанг бўларди.

Н ў б а т х о н

Шоирлар маъраканинг безак, нақшидир.

О з о д и й

Ҳар ким ўз ўрнини билса яхшидир.

Б и р и н ч и д е ҳ қ о н

Йўқ дема, Озодий, қани бошланглар.

Н ў б а т х о н

Бир-икки қизиқ гап айтиб ташланглар.

Ч ў в д у р

Оға мулла қўрқди.

М а х т у м қ у л и

Бу сўзинг бекор.

О з о д и й

Ота-ўғил беллашамиз, бўл тайёр.

(Савол беради.)

У нимадир, одамларга кўринмас?

У нимадир, тупроқ узра суринас?

У нимадир, ҳеч бир тўнга бурканмас?

Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер?

М а х т у м қ у л и

У балодир — келса, кўзга кўринмас,

У ҳақиқат — ҳеч вақт ерда суринас,

Елғон гурунг ҳеч бир тўнга бурканмас,

Халифамга биздан жавоб шул бўлғай!

Н ў б а т х о н

Вой, соғ бўл, бу сўзлар ақлдир нуқул.

Иккинчи деҳқон

Ҳикматли бу сўзлар элга хўп маъқул.

Озодий

У нимадир, қизил, яшил ўсади?

У нимадир, оёғи йўқ босади?

У нимадир, етти дарё кезади?

Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер?

Нўбатхон

Баракалла, тутдинг қалтис ердан,
Қани, шоир, жавоб бер-чи, кўрайлик?

Махтумқули

У экиндир — қизил, яшил ўсади,

У илондир — оёғи йўқ босади,

У балиқдир — етти дарё кезади,

Халифамга биздан жавоб шу бўлғай.

Биринчи деҳқон

Ҳай, соғ бўл-а! Қандай маъноли сўзлар!

Иккинчи деҳқон

Шеърят кўкида ёруғ юлдузлар.

Озодий

Мен тугатдим, борми сенинг саволинг?

Чўвдур

Оға мулла, эҳтиёт бўл, енгилма!

Махтумқули

У нимадир, етти ўлка кезади?

У нимадир, белин бир зот эзади?

У нимадир, одам каби сезади?
Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер!

Б и р и н ч и д е ҳ қ о н

Ёлғиз эдинг шерик топдинг, Озодий!

Н ў б а т х о н

Айтар сўзинг кондир, гапир, Озодий!

О з о д и й

(қийналиб тўхтаб-тўхтаб жавоб беради)

У чўпондир — етти ўлка кезади,
У қуюндир — таёқ белин эзади,
Бедов отдир — одам каби сезади,
Саволингга биздан жавоб шу бўлғай.

Н ў б а т х о н

Соғ бўл, кекса домла, зўрсан, бақувватсан.

Ч ў в д у р

Бир оз сабр этинглар, ҳали кўрамиз.

М а х т у м қ у л и

У нимадир — деразасиз бинодир?
У нимадир — дарвозасиз қалъадир?
У нимадир — бир-бирдан оладир?
Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер?

О з о д и й

У қабрдир деразасиз бинодир!

(Ўйланади топа олмайди.)

Н ў б а т х о н

Қани ол!

И к к и н ч и д е ҳ қ о н

Ҳа, бўшашма!!!

О з о д и й
(бошини элаб)

Бўлмади.

Б и р и н ч и д е ҳ қ о н
Ғайрат қил!

Н ў б а т х о н
Уйланиб кўр!

О з о д и й
Қувват қолмади.

Ч ў в д у р
Озодим, нима гап... Тамомми сўзинг!

О з о д и й
(Махтумқулига)
Саволингга жавобингни бер ўзинг.

М а х т у м қ у л и
Ул кўнгилдир — дарвозасиз қалъадир.
У ой, кундир — бир-биридан оладир,
Халифамга биздан жавоб шул бўлғай.

И к к и н ч и д е ҳ қ о н
Керакли сўз ҳозир унинг тилида.

Б и р и н ч и д е ҳ қ о н
Бундай шоир йўқдир Туркман элида.

О з о д и й
Ой, кун бир-биридан?

Махтумқули

Шуъла оладир.

Нўбатхон

Шошма, шошма! Бу қандай гап бўлди!

Махтумқули

Қоронғи ой кундан олур шуълани.

Озодий

Илми ғайбни билмас ўзга оллодан.

Махтумқули

Хабар берар илм бор ер-самодан.

Нўбатхон

Оллоннинг ишини бандаси билмас!

Махтумқули

Уқиган билар

Нўбатхон

(бақиради)

Йўқ, ёлғон бу сўз хас!

Махтумқули

Нўбатхон, бақирма!

Нўбатхон

Эсингни йиғиб ол!

Ч ў в д у р

(гапни бўлак томонга бурмоқчи бўлади.)

Ниёзқул пирга.

Кулишади.

М а х т у м қ у л и

Чўвдур, хўш, нима гап?

Ч ў в д у р

Шеър айтгим келди.

М а х т у м қ у л и

Вазни қисқароқмас.

Ч ў в д у р

Қулоқ сол энди.
Ни-ёз-қули пир-га!

Кулишади.

М а х т у м қ у л и

Кўнгил жўшга келмас, тил ҳам сўзламас,
Ҳар юракда ишқдан сўз ҳам бўлмаса.
Дунё сўзи ўхшар тузсиз таомга,
Сўз ичида келин, қиз ҳам бўлмаса.

Ч ў в д у р

Чўвдур шоир ошиқдир суйган қиз ҳам бўлмаса...

Яна кулги. Нўбатхон ўзини четга олади.

Н ў б а т х о н

Қутмагандим бундай ишни аввало,
Шундай экан динсиз, кечир, ё олло.

Ҳар нарсанинг ўлчови бор, чеки бор,
Махтумқули ошиб кетмиш бу беор.

И к к и н ч и д е ҳ қ о н

Нима'учун?

Н ў б а т х о н

Айтган сўзи кўп ёмон.

М а х т у м қ у л и

Тегирмончи қулига тушса, олғир от,
Қанотидан айриллар, қадрин на билсин?
Бир нодон қўлига тушса бир олмос
Чақмоқ тошдан тафовутин на билсин?

Камол топмас ул шарбатдан ичмаган.
Сўз англамас маъносини ечмаган,
Мажнун каби ишқ дардида куймаган,
Паризот Лайлининг қадрин на билсин!

О з о д и й

Хосияти бўлмас ўзин мақташнинг.

Б и р и н ч и д е ҳ қ о н

Тўғридир, шоирим.

Б о ш қ а л а р

— Тўғри, ҳақиқат!

Н ў б а т х о н

Жим бўл, э гадолар, ортиқ сўз дема!
Тилингизни тилиб қиламан тасма.
Уй-рўзгорингга соламан талон!

М а х т у м қ у л и

Бад аҳлига беклик етса бир кунда
Олар овин, солар қушин англамас.

Қон ялаб семирған шафқатсиз беклар,
Фуқаронинг кўзда ёшин англамас.

О з о д и й

Бу сўзларинг ғирт душманлик туғдирар.

Н ў б а т х о н

Товуққа ёш жўжа ақл ўргатар.

М а х т у м қ у л и

Тенгсиз билан тенг айласанг ўзингни:
Дард бўлибон ўтар сўзи жонингдан.
Ҳар ёмон сўз жонга илон нишидир,
Чақса заҳри осон чиқмас қонингдан!

Д е ҳ қ о н л а р

- Асал сўзлар.
- Шарбат оқади.
- Ҳаммаси ҳикмат.

Н ў б а т х о н

Жим бўлинг, аҳмоқлар!

М а х т у м қ у л и

Нечун дағдаға?

О з о д и й

Бас эт, бас эт, бир сўздан қол!

Н ў б а т х о н

Тарқалинг!

И к к и н ч и д е ҳ қ о н

Шоир дамин олсин, яна келамиз.

Озодий Нўбатхонни кузатади. Деҳқонлар тарқалишади.

Ч ў в д у р

Хафа бўлма, дўстим, дам олайлик, юр.

М а х т у м қ у л и

Чўвдур, нича ўзимни босай, фурсат бер.

Ч ў в д у р кетади, шонр теран ўйга чўмганда З а л и л и киради.

З а л и л и

Тоға, яна кетасанми?

М а х т у м қ у л и

Ҳа, Залили, йўқми кайфинг.

З а л и л и

Миндирмайди бобом отга.
Йиқиласан дейди сатга.
Хўтик миниб чопсам-да, мен,
Йиқилмайман бир кўргин сен.

М а х т у м қ у л и

Баракалла!

З а л и л и

Менга қара,
Бордим бугун мен дарага,
Йўргалашар кўп какликлар.
Уролмадим тош отиб ҳам,
Ўқ-ёйим йўқ, қилди алам,
Ўқ-ёй берсин оппоқ дадам,
Сен айт унга, жоним тоғам.

М а х т у м қ у л и

Сени ўзим қўлтиғингдан кўтарай,
Яроғ бериб, бедов отга миндирай...

З а л и л и

Тогажон, юраман доим ёнингда.

Нарироқда уялиб, тортиниб қараб турган Менглига шоирнинг кўзи тушади.

М а х т у м қ у л и

Бўпти, ҳувари, ишингга бор!

З а л и л и чопқиллаганча кетади. Менгли яқин келади.

Шукур алҳамдиллиллоҳ
Жононга кўзим тушди.
Майхонада май ичдим
Мастонга кўзим тушди.
Оҳ жоду — жийрон кўзли,
Оҳ шаҳди — шакар сўзли,
Эй, шамси қамар юзли,
Имонга кўзим тушди.

Бу дардима сен дармон,
Қўйингга бўлиб ҳайрон
Махтумқули дер, эй жон,
Султонга кўзим тушди!

М е н г л и

Улсам йўқ эрур армон
Ёримга кўзим тушди.

М а х т у м қ у л и

Юрсанг, ёрим, қувонаман
Сарвиқомат бўйларингга.
Гулдан либос ярашибди.
Соғ-саломат бўлганингга.

М е н г л и

Кўрдим сени, йўқ армоним,
Сенсиз даркор эмас жоним.
Иқболим, диним, имоним,
Жон тасаддуқ бўйларингга.

Махтумқули

Қўрган ошиқ фидо бўлар,
Эл-юртидан жудо бўлар,
Махтумқули гадо бўлар,
Сарвиқомат бўйларингга.

Менгли

Дилхоҳимни кўрдим кўнглим очилди.

Махтумқули

Олтин шуъланг бошим узра сочилди.

Менгли

Сен келмадинг, келди талай совчилар,
Тузогини уздим, кетди овчилар.
Мен на қилай, кўнглим сенга боғладим,
Ҳасратингга кеча-кундуз йиғладим,
Тангрим сени берди менинг бахтимга,
Шоҳ этайин сени кўнгил тахтига!

Махтумқули

Севар ёрим! Сен дилдорим, сен куйим,
Сен жаҳоним, сен қуёшим, фикр-ўйим!

Оёқ товуши эшитилади. Менгли ҳадиксирайди.

Менгли

Кета қолай!

Махтумқули

Севги лабидаги олтин табассум
Ўзингсан, Менглижон, севгилим, гулим.

Менгли

Қимдир келар қўйворинг!

Махтумқули

(Менгли қучоғидан чиқиб қочади.
Унинг изидан)

Кетма, кетма, жигар бағри яралм,
Қўлларимдан қочди менинг маралм.
Гашт айладим, кездим ишқнинг тоғида,
Не балодир, кимса чекар бу дардни?
Ишқ дардини осса осмон бўйнига,
Осмон титрар кўтаролмас бу дардни.
Ишқ асар этмаса, ёнмас чироқлар,
Ишққа тушса бўри йиғлар, қуш инграр.
Йиқилар ҳайбатли азамат тоғлар,
Тошлар эриб чека билмас бу дардни.
Жаннат қочиб чиқмиш аршнинг бағрига,
Дўзах қўрқиб тушмиш ернинг қаърига,
Қочди дарё, олди одам қўйнига
Ҳар учраган чека билмас бу дардни.

Чўвдур уни кўриб тўхтайд.

Чўвдур

Кечир, дўстим, қора ботир бўлдим мен.
Охунд келди... сабабини билмайман.

Махтумқули

Охунд? Охунд...

Чўвдур

Сир билдирма, туравер!

Махтумқули

Бошқача бир мақсади бор деявер?

Чўвдур

Йўқ, йўқ, сени жону дилдан севар у,
Ҳурматингни ўз жойига қўяр у.
Устоздир... Кўнглингга ола кўрма ҳеч.

Махтумқули
Айби йўқ... меҳмонда қонинг бўлса кеч!

Охунд билан Озодий кирадилар.

Охунд

Ассалом, фарзандим, севгили болам!

Махтумқули

Салом, тақсир!

(Қучоқлашиб кўришадилар.)

Охунд

Изинг қувиб келдим сени кўргали.
Чин кўнгилдан сени дуо қилгали.

Озодий

Шогирдининг изидан келурми устоз?
Ҳурмат бундан ҳам бўларми мумтоз?
Умр китобига шон-шуҳрат билан
Бундай кун ёзилар олтин хат билан.
Шукур, юз минг шукур, ёр бўлди бахтим,
Яйрасин элларим, чоғ эрур вақтим.
Тўй бошлайлик бутун қишлоқ йиғилсин.
Келсин эл, туя, от, қўйлар сўйилсин!

*(Ўзида йўқ шод. Тўй тайёргарлигини кўриш учун шошилиб
чиқиб кетади.)*

Охунд

(хокисорона)

Сени хафа қилдим, мен аҳмоқ, фаҳмсиз...
Хутба-хутба эслаб чекдим кўп афсус.

Махтумқули Охундни қўлидан тутиб, турғазиб қўяди.

Сен мөндан оқилроқ чиқдинг, балли!
Янглишдим, жиннилик чалғитди бошим.
Еқамни ҳўл этди кўздаги ёшим.

Ч ў в д у р

Махтумқули, қийнамагил сен уни...

М а х т у м қ у л и...

Илм берган, одам этган сиз мени.

О х у н д

Ислоннинг бахтига яшнаб тўлурсан.
Муаззам, мукаррам инсон бўларсан.
Хоҳ-нохоҳ мен кетаман энди бас,
Мударрис бўл, толибларга айтгил дарс.
Хивага кел, ўрнимни сен тутиб қол,
Отанг билан хушлаш, ўғлим, йўлинг ол!

М а х т у м қ у л и

Гар қўл синса эгри битар Охундим.

О х у н д

Ардоқлайди тўра, беклар ҳам хоним.

М а х т у м қ у л и

Хивага?

(Пауза.)

О х у н д

Ҳовва, болам, Хивага...

М а х т у м қ у л и

Йўқ, тақсир!
Истамайман ўз эркимдан айрилмоқ.

О х у н д

Хондан яна раис келган ана боқ! .

М а х т у м қ у л и

Раис?..

Ч ў в д у р

Раис?

О х у н д

Ҳурмат билан олиб кел, деб буюрмиш.

О з о д и й билан Р а и с, сўнгроқ деҳқонлар кирадилар.

О з о д и й

Хон раиси келди сенга саломга.

О х у н д

Шон-шуҳратинг кетди, болам, оламга.

Раис иссиқ кўришади.

Р а и с

Шоир, сизни авлиёлар қўллади,
Хон ҳазратим сизга салом йўллади.

М а х т у м қ у л и

Соғ бўлсин юборган, салом келтирган.

Р а и с

Жамолингиз кўрмоқ бизга бахт-иқбол!
Қани у хуржинни келтиринг, дарҳол!

Хизматкорлар келтирган хуржундан зарбоф чопонни олишади.

Тўн совға қилдилар хон ҳазратлари.

(Шилдиратиб шоирнинг устига ёпади)

Махтумқули

Хизмат этмагандим чопонга лойиқ.

Охунд

У меҳрибон, ардоқлар сени.

Раис

(ёқут қошли олтин камар чиқаради)

Хон сизга содиқ...

Чўвдур

(олиб)

Нафис санъат...

Раис

Санъаткорга ярашар.

Охунд

Шоирларга шоҳлар, хонлар қарашар.

Раис

(қутичадан қуёш шаклида меҳнат нишони чиқаради)

Мана бу нишон ҳам, аъло ҳазратдан.

Охунд

Қумушдан, олтиндан, дур-забаржаддан.

Чўвдур шоирнинг кўкрагига қўйиб кўради.

Махтумқули

Нишонга лойиқми ҳунарманд касиб?

Чўвдур

(шоирнинг норозилигини пайқаб)

Ол, раисим, раисларга муносиб.

Раис

(ўроғлиқ ипак қоғоз узатади)

Саломнома, сизга Хива хонидан.
Бек, бегим, бегойим, хонумонидан.

Махтумқули шалдиरोқ қоғозни Чўвдурга беради, у олиб ўқийди.

Чўвдур

«Салом беҳад салом, малик-ушшуаро,
Дуойи саломдан бўлур муддао.
Умидимиз Хивамизга келсангиз,
Меҳмон бўлиб бизни хурсанд этсангиз,
Қадамингиз қутлуғ Хива тахтига,
Туғилгансиз мусулмонлар бахтига.
Оташин шеърингиз тилларда доим,
Сизни ҳамдам этсин бизга худойим!»

Озодий

Жаноб раис, олий ҳазрат соғ бўлсин!

Раис

Шеър шарофатидан бахтингиз кулсин.

Охунд

Шоҳу хонлар ҳар кимни ҳам чақирмас.

Озодий

Хон йўқласа, албат, бормасдан бўлмас.

Махтумқули

Хонларнинг суҳбати...

Охунд

Сизга лойиқдир.

Раис

Хивага, Туронга даҳшат солган хон,
Сизга баланд бошини эгмоқда ҳамон.
Сиз билан мунис дўст бўлмоқ мақсади,

Охунд

Мусулмонни бирлаштирмоқ матлаби.

Махтумқули

Мақсад аён...

Охунд

Хўп каромат қилдилар...

Раис

Туркманнинг хонлари элга балодир.
У Нўбатхон ёмон бузиб феълини,
Қизил бошга сотди Туркман элини.

Биринчи деҳқон

Ҳақиқат!

Иккинчи деҳқон

Тўғри гап!

Раис

Қони бир, дини бир бизнинг хонимиз,
Номус қилар, ёнар бизнинг жонимиз.

О х у н д

Этмасин суннийни шиа хору зор!
Ерга тенг қилайлик, бўлинг мадакдор.

М а х т у м қ у л и

Бу гапнинг мазмуни чуқур, бир жаҳон.

Р а и с

Туркманга хонимиз ажаб меҳрибон.
Гургонни Ёвмут ҳам Қўклонга берар,
Хуросон така ҳам Солига тегар.

М а х т у м қ у л и

(Раисга)

Бандиларни ундай бўлса бўшатинг!

Ч ў в д у р

Жаноб раис, шоир сўзин эшитинг!

М а х т у м қ у л и

Ғарибларни жаноб раис урмасин,
Дарра билан этларини юлмасин.

Р а и с

Ҳукумат ишида сиёсат лозим!

М а х т у м қ у л и

Хоннинг Гургон, Хуросоннинг бериши —
Фирибгар, муғомбир лўттибоз иши,
Мени кўшкка таклиф этишдан мурод,
Туркман халқин хип бўғиш...

Б и р и н ч и д е ҳ қ о н

Дод, бедод!

Иккинчи деҳқон

(раисга)

Неча марта сен бизга талон солдинг,
Ишонмасанг кел тузайлик шартнома.

Махтумқули

Ишонч йўқ шартингга, шоҳу хонларга!

Охунд

Хўп ўйланг, оллонинг, эй севар қули,
Мункирлик ношукур бандалар йўли!

Раис

Этак қалъа хони Қурбон-Қиличхон,
Хива тахти билан дўстлашди осон,
Ҳеч бўлмаса олинг ўшандан ибрат.

Махтумқули

Ундай аблаҳ, сотқин, душманим фақат,
У Чоржўй, Бухоро, Қарки, Афғонга
Сотилди, минг лаънат ўшандай хонга!

Раис

Юз ўғирманг қучоқ очган ул бахтдан.

Махтумқули

Халқ бахти деб юз ўғирдим мен тахтдан.

Охунд

Суннийларни шиаларга сотманг.

Раис

От остида қоларсиз, ҳа, унутманг!

Махтумқули

(киноя қилиб)

Бир бўлак сойиллар раисман дейди,
Жирканч, золимлар таомин ейди.
Бизни яхши киши десинлар дейди,
Ҳар эшикда ҳалқа қура бошлади,
Оқил бўлган ғамда юрагин эзиб,
Дардининг дармонин сўроқлаб-кезиб,
Замоннинг бузуқ бўлганин сезиб,
Фанодан бақога кўча бошлади,
Риё бўлди кўп ўқиган намози,
Тангри ҳам биридан бўлмади рози,
Пайғамбар ўрнига ўлтирган қози,
Пора учун қўлин оча бошлади.

(Охунд билан раисга қараб.)

Сел кучига бардош бермас тоғу тош,
Туркман халқи шоҳу хонга эгмас бош!

Биринчи деҳқон

Рост айтасан!
Арслон бўлиб ёв йиртишга яраймиз!

Чўвдур

Феълинг айниб келсанг, раис, саваймиз!

Раис

Ёмонга ёғ ярашмас, биёбонга боғ.

Чўвдур

Муфт молга муккадан кетганларга боқ!

Охунд

(шоирга ҳамла қилиб)

Насиҳатим олгин, йўқса ўласан!

Махтумқули

Хоннинг бандасига бўлмайман банда!
Халқим қўлин боғлаб бермайман сенга!..

Охунд

Имонни бой бердинг кайфу сафо деб,
Қувдик мадрасадан сени худо деб!
Афлотундан олдинг иблисона дарс,
Мўъмин-мусулмонни йўлдан урма, бас!

Озодий

Тангрим, мени бунча бебахт яратдинг...

Раис

Падаринг иззатин топтаб, йиғлатдинг.

Махтумқули

Отам йиғлаб тинар, йиғлатмам элим!
Сўзим сўз, қайтмайман, тилинса тилим!

Охунд

Ер-кўкни яратган мен ўзим дейди,
Май ичиб, тўнғизни пуфламай ейди.

Озодий

Тавба, тавба!

Иккинчи деҳқон

Бу қандай ёмон хабар...

Охунд

Кофирдир у.

Чўвдур

Жим бўлсанг-чи, дардисар.

О х у н д

Лаънат сенга, лаънат дейман мен сенга!

Ч ў в д у р

(чопонни раисга отиб)

Увадангни олиб жўна изингга!

Чиқиб кетишади, Озодий ҳам уларнинг орқасидан маънос чиқади. Саҳна қоронғилашиб, орқа парда кўтарилганда чироқ ёнади. Нўбатхон билан Охунд сирли суҳбатлашиб киришади. Залили қўлида ўқ-ёй, булардан ҳадисираб дарахт панасига яшириниб сўзларини тинглайди.

Н ў б а т х о н

Тақсир, Махтумқули бўлдими Охунд?

О х у н д

Охундлик... бу йўқ гап!

Н ў б а т х о н

Фотиҳа олдимми?

О х у н д

Махтумқулими?..

Н ў б а т х о н

Бор гапни айтинг!

О х у н д

Шайтондан дарс олди унда бу даҳрий.
Охирда тўкилди оғзидан заҳри.

Н ў б а т х о н

Диндан чиқдимми?

О х у н д

Ҳайдалди. . .

Н ў б а т х о н

Ҳай-ҳай оғзингизга новвот!

О х у н д

Деди: «Олло, пайгамбар ҳам мен ўзим,
Қонун бўлмоғи керак айтган ҳар сўзим...»

Н ў б а т х о н

Сир-кори бунда ҳам билинди бошдан,
Ой ёғдуни олар эмиш қуёшдан...
Ҳа-ҳа-хаҳ.

О х у н д

Беҳишт, дўзах, шарнатга мункир у,
Мусулмондан юз ўгирган кофир у.
Олди бедин Умар Хайёмдан сабоқ,
Фикру ёди мусулмонни чайқамоқ.
Ёлғон гапни худди ростдек тарқатар,
Ислоҳ ҳомийларини обрўсин тўкар,
Келдим, болам, сизни огоҳ қилишга.

Н ў б а т х о н

Чек қўямиз бугун-эрта бу ишга.

О х у н д

Ғайрат этинг душманга сир олдирманг,
Тез гум бўлсин эл ичида қолдирманг!

Н ў б а т х о н

Афлотуннинг ҳалқумидан оламан,
Амин бўлинг ит кунига соламан!

О х у н д

Улдир уни.

Н ў б а т х о н

Қийнамас сув ичишдан...

О х у н д

Яхши, болам, кетдим карвондан қолмай.

Н ў б а т х о н

Ҳозир бориб, сизни отга миндирай.

О х у н д

Пир муршид қўллағай,
Оллоҳу акбар.

(Чиқиб кетади.)

Н ў б а т х о н

(Ўйланиб)

Бугун уни эрон шоҳи чақирар,
Шоир қилар, саройидан ер берар,
Бунда майда хонларни мен босаман,
Қаршимда ким бўлса кесиб, осаман.
Менинг ҳам олтиндан бўлади кўшким,
Оламга барқ уриб тарқасин мушким.
Айтган сўзим ерда қолмас, жой олар,
Хур-парилар менинг қўйнимда кулар.
Ҳозир шоир ёнига мен бораин.
Фатхалининг отин, хатин бераин.

Н ў б а т х о н хурсанд чиқиб кетади, саҳна яна қоронгилашади, парда тушади, сўнг чироқ ёнади, Махтумқули билан Менгли... бояги жойда. Буларнинг суҳбати давом этади. Лирик ҳолат. Менгли пешанасини ушлаганича маъюс кетади.

УЧИНЧИ ПАРДА
ТҮРТИНЧИ ҚҮРИНИШ

Улкан оқ уй. Дераза катта очиқ. Орқада гўзал мэнзара. Гилам хуржундан турли зеб-зийнатлар чиқиб осилиб турибди. Заргар Махтумқули ишлаб ўтирибди. Келган одамларга ғазал ўқиб панд-насиҳат қилади.

Махтумқули

Иқболинг уйғонса, бахтинг ёр бўлса,
Тоққа кесак отсанг тошни синдирар,
Толеинг терс келса, бахтинг шўр бўлса,
Атала ичсанг ҳам, тишинг синдирар.

Ажалингдан қўрқиб кирсанг уммонга,
Қўрқувдан не фойда чиқажак жонга?
Умринг охир бўлиб, тўлса паймонга.
Лоланинг чўпи ҳам бошинг синдирар.

Биринчи деҳқон

Бай-бай.
Олтин сўзлар, ҳар сўзнинг бор маъноси.

Иккинчи деҳқон

Ҳай-ҳай,
Хашакимас, ҳар сўз дилнинг ойнаси.

О з о д и й

(кириб)

Махтумқули, сенга айтар гапим бор.

Б и р и н ч и д е ҳ қ о н

Кетайлик яхшилар, худо бўлсин ёр.

Деҳқонлар тарқалишади.

М а х т у м қ у л и

Келинг, ота.

О з о д и й

Мадрасадан ҳайдалиш...
Назардан қолиб ҳам бир пуллик бўлиш;
Худкомлик, гердайиш, терс бориш хонга!—
Хонадонингни хон ботирар қонга!!

М а х т у м қ у л и

Отажон, мен нетай! Қилмадим гуноҳ!

О з о д и й

Оҳ юрак, яратган ўзинг бер паноҳ,
Ўқитдим, қувондим, аммо-лекин сен,
Бағримни пора қилдинг... бир бенаво мен.

М а х т у м қ у л и

Отажон!

О з о д и й

Не қилдим? Синдирдинг белим,
Нима деркин энди қишлоғим, элим.

М а х т у м қ у л и

Отажон, қўлоқ сол!

О з о д и й

Қар этдинг мени!

М а х т у м қ у л и

Чиқиб кетай унда... Қийнамай сени.

О з о д и й

Осий, жофийларга худо раҳмдил,
Ниёзқули Пирга қўл бер, тавба қил!
Бас эт! Қайт, ўғлим, ёмон феълингдан,
Қарғиш олма, ота-она, элингдан!
Кел, мушфиқ пандимни ол, бағрим доғлама,
Бу ҳунарга сен ўзингни боғлама.

М а х т у м қ у л и

Отажон, ҳунарсиз ёпмас сиртини,

О з о д и й

Ҳунарни ўргану, йиғиштир уни.
Олган нур илмингдан наф олсин авом,
Мадраса соламиз, ўғлим, гап тамом!

М а х т у м қ у л и

Мадрасам — тилимдир, яроғим сўзим.

О з о д и й

Тилингга бўйсунма, эшит, эй қўзим.
Тилинг сақла! Тил балонинг бошидир.

М а х т у м қ у л и

Тилга келган сўзлар кўнгил нақшидир.

О з о д и й

Қўнглинг тоза бўлса, ташла кўмирни,
Тутунда ўтказма азиз умрни...

Махтумқули

(настадаги китобни олиб)

Юрак шундай китоб бўлса очардим,
Қоғозларни гир атрофга сочардим...

Озодий

(Махтумқули ёнига тиз чўкади)

Жоним ўғлим, тан ол, хато — гуноҳинг,
Арвоҳ бўлсин мададкоринг, паноҳинг,
Бузрукворлар нима дейди?.. Эй, худо...
Яккамохов... йўқ, йўқ... Нечун бу жазо.
Жон ўғлим, қайт!

Махтумқули

Ойнабулоқ сувларидек кўнглим соф,
Тиз чўкишга йўл қўймас илм — офтоб.

Озодий

Олим бўлмоқ осон, кишилиқ душвор...

(Манглайини ушлаб, оғир йй суриб, чиқиб кетади.)

Махтумқули

(қараб)

Мен якка-ёлғизман бу не дард, алам?
Дилимни билмайди ҳатто отам ҳам!!

(Пауза.)

Вужудимни ғам босди ўз-ўзидан,
Бош ҳам келса, йиғлаб ўтар ҳолимга,
Қонли ёш тўкар, кўнгил кўзидан
Қош ҳам келса йиғлаб ўтар ҳолимга.
Завқ олмаган ишқ дардининг конидан,
Бир сўз ўтмас ҳар на этсанг ёнидан,

Ишққа тушган умид узар жонидан,
Лош ҳам келса йнглаб ўтар ҳолимга.

Оғир ўйда, қўлидаги китобини очиб, ёнишни ҳам билмай турган бир вақтда
Менгли киради. Унга кўзи тушгач, шоирнинг баҳри дили очилади.

Менглижон!

Менгли уялади.

Менглижон, кулсин, очилсин!
Шуълалари кумушларга сочилсин!

М е н г л и

(эшикка жавдираб қараб)

Тайёрмикан буюргани эжамнинг?

М а х т у м қ у л и

(хуржун оғзида турган зебигардонни олиб)

Мана, жоним, зебигардон, тақиб кўр,
Чаласи бўлса...

Менгли зебигардонни томоша қилади.

М е н г л и

Дард кўрмасин бу қўллар ҳеч илоҳим,

М а х т у м қ у л и

Кўксингизда кўриш менинг муродим...

Менгли зебигардонни тақишни билмайди, шоир адаб доирасида майин ҳаракатлар қилиб, зебигардонни тақиб қўяди ва суқ билан қарайди.

Қун ханжари кўкдан ерга инганда,
Қунга қарши туққан ойдек гўзалсан.
Қизил десам қизил, ол десам олсан.
Ҳиндистонда шакар, булғорда болсан!

Менгли

Етар, уялтирманг, ортиқ мақтаманг...

Махтумқули

Асли сени кўрмаганман, дилдорим!
Қумримисан, булбулмисан, намасан?
Ғамгин дилни хаёлингда алдарман,
Боғ ичида гул-гулмисан, намасан?
Қароқчимн ё сайдми, хўжами,
Ё соқийми, ё шаробми, ё жомми,
Ё йилмисан, ё кундузми, кечами,
Ё оймисан, ё кунмисан, намасан?
Ё мушкмисан, ёки чамбил, ё амбар,
Лйтолмайман ё чархмисан, ё чамбар,
Дарёмисан, ё мавжмисан, ё савсар,
Гирдобмисан, тўлқинмисан, намасан?
Ёқутмисан, ё маржонми, намасан?

Менгли

Садоқатли банда холос...
Бунча муболағага йўқ менда асос.

Махтумқули

Эй, сен каби бир мугбача туронда топилмас,
Аҳли турки, форси, Арабистонда топилмас.
Бу ишваларинг жумлаи хубонда топилмас,
Чеҳранг каби гул бари гулистонда топилмас.
Тўти даҳанинг гунча хандонда топилмас,
Зулфинг исидек ис гули райҳонда топилмас,
Раънои қаддинг сарви хиромонда топилмас.

Менгли

Тил бундан ҳам ортигин демас.

Махтумқули

Кўз бундан ҳам зўрини кўрмас.
Нозли дилбар, кечиктирамиз тўйимиз.

Менгли

Сен соғ бўлсанг, шудир менинг иқболим.

Севиб қучганда З а л и л и киради, тортинади, охири хабарни айтади.

З а л и л и

Тоға, тоғажон,
Келяпти Нўбатхон!

Менгли шошиб рўмолни ўраб чиқиб кетади.

З а л и л и

Тоға, тоға...

(Сўзлашга тортинади.)

М а х т у м қ у л и

Нима хабар, Залилим?

З а л и л и

Айтишга бормайди тилим.

М а х т у м қ у л и

Айт, тортинма.

З а л и л и

Шу Нўбатхон...
Унинг ўйи кўп ёмон.

М а х т у м қ у л и

Хонлар, жоним, шундай бўлар.

З а л и л и

Кўрдим бир оппоқ соқол,
Нўбатхон пахмоқ соқол.

Висир-висир қилишди,
Бир-бирини билишди,
Сени номинг тутдилар,
Бобомга ҳам етдилар.
«Беҳишт деди, дин деди,
Ўлдир деди, жин деди.»

О з о д и й киради.

О з о д и й

Ўғлим!

М а х т у м қ у л и

Отажон, келинг!

О з о д и й

Келмайин, куймайин десам, бўлмади,
Болам, бу ишларингдан кўнглим тўлмади.
Қошингга келяпти яна Нўбатхон,
Боя унинг тегдинг жиғига ёмон.

М а х т у м қ у л и

Кўтармайман ҳар бир номарднинг сўзин.

О з о д и й

Жон ўғлим, айланай, бўл мулойимроқ,
Айтган-деганига солиб кўр қулоқ.

М а х т у м қ у л и

Келсин, ота, кўрайин...

О з о д и й

Мен чақириб келайин.

О з о д и й чиқади, бир оздан сўнг Н ў б а т х о н киради.

Н ў б а т х о н

(ҳурмат билан)

Ассалом алайкум, шоирим!

М а х т у м қ у л и

Хуш келдинг, хоним!

Н ў б а т х о н

Сиз бағишланг мени, сизники жоним!
Сизни хафа қилиб бўлдим пушаймон!

М а х т у м қ у л и

Сақламайман гина-кудурат юракда.

Н ў б а т х о н

Ушанда қўзғалди ноҳақ ғазабим,
Сиз билан дўст бўлмоқ эрур матлабим,
Шеърларингиз менга қанот бағишлар,
Қилич бериб, бедов отга миндирар.
Хабарингиз бордир... Келдим Эрондан,
Сизга ажиб совғалар бор Техрондан...
Фатхали шоҳ сизни севар, ардоқлар,
Бошингизда шоир тожи яроқлар...
Эрон шоҳи таклифнома юборди,
Олтин камар, заррин жома юборди.

Ўроғлиқ ипак қоғозни узатади, шоир очиб кўз югуртади. Кейин, овозини
чиқариб ўқийди.

М а х т у м қ у л и

«Буюк Эрон шоҳи Фатхали шоҳдан,
Салом беҳад, салом улуғ даргоҳдан,
Нодир шоир номингизга ошнаман,
Ғазал чашмасига бунда ташнаман.
Қайноқ шеърларингиз уйғотар тугён,
Ўлик руҳларга ҳам бағишлайди жон.
Азизим, мен сиздан дўстлик истадим,

Сизга тахт ёнидан ўрин сақладим.
Туркманнинг шавкати, шаъни номингиз,
Фатхали шоҳ жон дўстингиз, ҳомийингиз.
Қолди йўлингизда кўзларим фақат».

Шоир ўй суради.

Н ў б а т х о н

Жигардан чиқариб ёзган номани,
Ҳурматли шоирим.

М а х т у м қ у л и

Тузоқ, бой, тузоқ!

Н ў б а т х о н

Фатхалининг фикри тузоқдан узоқ,
Кўшқда бўлсангиз, шоҳим шодланар,
Туркманларга шафқат назарин солар.

М а х т у м қ у л и

Чақирмайди кўмак учун Туркманга,
Чақиради камонин отмоққа яна.

Н ў б а т х о н

Ҳар шоирга шундай келарми омад?
Мали-куш-шуаро!..
Қандай саодат!

М а х т у м қ у л и

Кенг Ватаним, гўзал юртим кўшқимдир.
Халқим бахт-баҳорин менинг ишқимдир.

Н ў б а т х о н

Юз ўгирма, дуч келган бу зўр бахтдан.

Махтумқули

Оч ўлсам ҳам, нон емайман ул тахтдан!
Эрон шоҳи, Бухор, Хива хонлари,
Қиличдан оқди Туркман қонлари.
Карки, Чоржўй, Сарақит, Гургон, Марида
Туркман йиғлар эрк, озодлик дардида...

Нўбатхон

Келмадим, ёнингга ваъз эшитгали,
Ким бўлибсан менга қарши тургали?!

Махтумқули

Тўғри сўзнинг дўсти йўқ, бу ҳақиқат!

Нўбатхон

Бунни эшитмоққа менда йўқ тоқат!
Мадрасадан ҳайдалгансан!

Махтумқули

Ҳақ учун.

Нўбатхон

Хивага зўр жосуслик ҳам ҳақ учун!

Махтумқули

Бу жосус сўзидир — ёмон туҳматдир!

Нўбатхон

Ҳаддингдан ошма ҳай, тўхта, кетма, тур!
Сенга ўхшаш элин сотган хоинни.
Эл ичра қўймайман яхши бил бунни!

Махтумқули

Ҳар ким ўз халқини севса мен каби,
Бу ўлкадан душманлар бўларди нари...
Мен халқники, халқ меники...

Н ў б а т х о н

Ҳа, маккор!

М а х т у м қ у л и

Халқ суягин кемиришга сен тайёр!

Н ў б а т х о н

Сенга уч кун муҳлат, чиқиб кет элдан,
Юртингни сўрсинлар саҳрода елдан!

М а х т у м қ у л и

Жоним чиқар, чиқмайман!

Н ў б а т х о н

Жим бўл, эй ҳайвон!

М а х т у м қ у л и

Ҳайвондан эшитдим бу сўзни шу он.

Н ў б а т х о н

Уч кунда кўчмасанг, тортаман дорга!

Н ў б а т х о н ғазаб билан чиқиб кетади. Шоир фарёд кўтаради.

М а х т у м қ у л и

Фалак, сенинг бу ҳайбатли гардонинг,
Биз томонга ўгирилмасми, келмасми?
Лошин ерга солдинг қанча мардоннинг
Замни инсоф айламасми, тўймасми?

Дунё сенинг бу кажрафтор — гардишинг,
Қизил қондан қирмизи бўлубдир шишинг.
Бўри қўй дўстлигига ўхшар қилмишинг,
Ғамли шод бўлмасми, йиғлаган кулмасми?

Ўроқсиз ўрарсен, тигсиз кесарсен,
Бемушт урарсен, ипсиз осарсен,

Қўл-оёқсиз бир бевафо нарса сен,
Ҳинқилган еридан қайта турмасми!

Шоир огир хаёлда экан, О з о д и й кириб келади.

О з о д и й

Ўғлим, нечун келган экан, Нўбатхон?

Махтумқули жавоб бермайди.

Жоннинг соғми бу не ташвиш, ҳаяжон?
Жавоб бермай нега жоним ёқасан,
Атрофларга телбалардек боқасан.

Ч ў в д у р киради, шоир уни кўрмайди.

М а х т у м қ у л и

Фатхали кўшкининг булбули бўлиб,
Сайраб яшармишман бир қули бўлиб
Керакмиш халқимни эгиб беришим,
Халқимга хонлик бўлсинмиш ишим.
Шоҳ, хонлар мenden олса ҳам ўчин,
Тилсалар қовундек мени эрк учун,
Этмайман халқимга асти хиенат,
Шу йўлда жон бериш бахту саодат!

Тўсатдан Чўвдурга кўзи тушади.

Чўвдур, бор экансан сен ҳам бу ерда?..

Ч ў в д у р

Сен қаерда бўлсанг, мен ҳам шу ерда,
Халифам, ғам чекма кўнглингни тўқ тут,
Хонлар саройинга мен қўядурман ўт!

Махтумқули Чўвдурни қучоқлайди.

О з о д и й

Ўғлимга солмоқчи бўлиб мен сени,
Шу дамгача сенга халақит бердим.
Ўғлим, кечир мени.

Махтумқули

Жоним, отажон!

(Бағрига киради.)

Озодий

Хон эмас, халқ эрур бу юрт эгаси,
Халқ одил, халқ доно, оташ нафаси.
Халқ қувласа, турма, жўна бир томон,
Севса, элдан чиқма то чиққунча жон.

Биринчи, иккинчи ва бошқа бир тўда деҳқонлар кирадилар.

Биринчи деҳқон

Хива ёқдан катта лашкар келибди,
Яқин чорваларни сўйиб кетибди.

Иккинчи деҳқон

Эй Озодий, энди недир маслаҳат?

Озодий

Эндиги маслаҳат шоирдан фақат...

Биринчи деҳқон

Сенсан оғзида илми бор доно,
Қўмак эт бурчингини айлагил адо.

Махтумқули

Ирқу уруғ жанжалини ташлайлик,
Оғиз бирлик билан ишни бошлайлик.
От айлин маҳкам боғла, Чўвдурхон
Мулла, охунд бўлмаймиз биз ҳеч қачон.

Чўвдур

Чиқмайдн, шоирим, мендан халифа...

Махтумқули

Қўшин саркардаси чиқар, ғам ема.
Молдор молин, жондор жонин аяманг,
Юрт-эл учун ёвлар билан қилинг жанг!
Келсин Така, Солир, Ёвмут — туққанлар.

Озодий

Отланинглар!

Биринчи деҳқон

Отланинглар, шоир, фармон битилсин.

Махтумқули

Олмос қилич эрк келтирсин Ватанга
Бедов сувор, қирғин солинг душманга,
Хива хонин ўтказамиз қиличдан,
Бухорода Амир ёнсин бу ишдан.
Фатхалига эрта солинг қайтавул.
Тахтин йиғсин биз яратган зўр довул
Бургут бўлиб ёвлар бўйнин узинглар,
Зулм қасрин яксон қилиб бузинглар.
Тоза қилинг ёвдан Туркман тупроғин,
Боғингиздан уздирманг бир япроғин.

Чўвдур

Эгри қилич, шерзодларим, чархлансин,
Дов йигитлар ёв устига отлансин!

Озодий

Отлансин душман устига!

Парда

ТҮРТИНЧИ ПАРДА

БЕШИНЧИ ҚҰРИНИШ

Атрак дарёсининг бўйи. Иккинчи пардадаги сахна. Махтумқули Чўв-
дур билан сўзлашиб кирадилар.

Чўвдур

Махтумқули!

Махтумқули

Чўвдур сардор, нима гап?

Чўвдур

Қаҳрамон халқ турди шу кун оёққа,
Яроқсизлар ёпишдилар таёққа.
Милтиқ, қилич, найза, болта ҳам ўроқ,
Хуллас, дўстим, ишлатилди бор яроқ.

Махтумқули

Нўбатхон?

Чўвдур

Интилди у аблаҳ бизни чалмоққа,
Халқ ичига фитна-бало солмоққа.
Ҳайбат билан чиқди менинг қошимдан,
Ғазабландим, айрилдим эс-ҳушимдан.
Қилич чопдим, ... «Жон тоға» деб ялинди,
Йигитлардан бири тутиб хўп урди.
Қарамади изига, дод солиб қочди.

М а х т у м қ у л и

Соғ бўл, Чўвдур сардор, юртим лочини!

Ч ў в д у р

Уч минг отли, яна тўрт минг пиёда
Жўнади душманни қарши олишга,
Мен ҳам тезроқ етай, дўстим, рухсат бер!

М а х т у м қ у л и

Ёвни эз, майдонда арслон тўшинг кер!
Бедов ўлса майдон қолур армонли,
Халқ иши-чун от сол, майдон учради.
Йигит ўлса, ҳангом қолур давронли,
Вақтингни хуш кечир, даврон учради.

Ч ў в д у р кетар, З а л и л и ўқ-ёй кўтарган ҳолда киради.

З а л и л и

Тоға, мен ҳам борайин,
Ёвларимни қирайин.

М а х т у м қ у л и

Келар сенга ҳам навбат.

З а л и л и

Мен қўрқмайман, жанг-жадалга кираман,
Тулкиларни қийратаман, қираман.

М а х т у м қ у л и

Сен, жияним, ҳали кичиксан,

З а л и л и

Тўздираман салласин,
Мўлжал олиб калласин...

Махтумқули

Бўпти, тушмагил қўлга!

Залили кетади, иккинчи деҳқон киради.

Иккинчи деҳқон

Беш ҳиссадан ортиқ душманнинг сони.
Яроғи ўн бор кўп, темирдан жони.

Махтумқули

Бормадими, Чўвдур?

Иккинчи деҳқон

Етишди сардор.
Етишгач, жанг қилди бу икки лашкар.
Қанча мардлар қум чангаллаб ётарди,
Қанча отлар қон балчиққа ботарди.

(Пауза.)

Эл мағлуб бўлмади.

Махтумқули

Бўлмас ҳеч қачон!

Нўбатхон орқасида навкарлар, қочиб бормоқда.

Иккинчи деҳқон

Нўбатхон! Кетма, тур! Қайға борасан,
Элни ўтга ташлаб кетма, побакор!

Нўбатхон

Мен...н... қочмайман!
Кў-кў... мак... оламан. Эрондан...

Иккинчи деҳқон

Номарднинг ўлгани яхши!

Махтумқули

Қўрган сари кўнгил совур
Сабрсиз, қарорсиз эрдан.
Фойдаси бор кўппак яхши
Уятсиз, иқрорсиз эрдан.
Асл одам миннат чекмас
Англамасга сўзим ботмас,
Қўнгил истаган ишлар чиқмас,
Уяти йўқ орсиз эрдан.

Нўбатхон

(шоирга дўқ уриб)

Ҳовлиқма, мен эр кимлигини кўрсатаман!

Иккинчи деҳқон

(қиличини суғуриб)

Жим бўл, чўчқа, йўқса теринг шиламан!

Махтумқули

Номард аҳли қўрқар, йўқдир ғайрати,
Жанг бўлса эшакка айланар оти,
Кўмилди дарёлар, йиқилди тоғлар,
Етимлар кўз ёшини тўка бошлади!

Нўбатхон қочади.

Иккинчи деҳқон

Рухсат бер, халифам, кесай бошини?

Махтумқули

Азизим, отлану, дарҳол бориб кел!
Уруш боришидан хабар олиб кел!

Иккинчи деҳқон кетади, Озодий киради.

Махтумқули

Ассалом, отажон!

О з о д и й

Ассалом, болам!
Ёвмут қариндошдан сенга кўп салом.

М а х т у м қ у л и

Отажон, уруш ўти ёнар ўлкада...

О з о д и й

Ёв қочар бизники бўлар ғалаба.

М а х т у м қ у л и

Не хабар келтирдинг, ота, қўрғондан?

О з о д и й

Отимга дам бермай бордим мен бундан,
Шоҳга қарши Астрабод волийси,
Исёнга ҳам тайёр элат-улуси
Ваъда бериб фойдаландик душмандан,
Керагича яроғ олдик биз ундан.
Уч минг отли келар Ёвмутдан навкар,
Шердак гуркираган ёвқур йигитлар.

М а х т у м қ у л и

Соғ бўл, отам, қачон келар?

О з о д и й

Етишар!
Душман билан чопишар ҳам отишар.

И к к и н ч и д е ҳ қ о н

Душман қўли баланд...

М а х т у м қ у л и

Бўлмас ҳеч қачон.

Иккинчи деҳқон

Қишлоқ ёв қўлида, балодек босди.
Аҳвол кўп оғир, чора кўрайлик.

Махтумқули

Ким яроқ тутолса урушга кирсин!

Озодий

(ҳайқириб, қўлида қилич, майдонга отилади.)

Ватаннинг авлоди, кўтар бошингни,
Парчала душманнинг ҳаром лошинни.

Иккинчи деҳқон

Қурбон қилич душманларга қўшилди,
Сарали мингбоши ярадор бўлди.

Махтумқули

Оҳ не ёмон хабар келтирдинг,

Қари-қартаглар, кекса, аёллар кирадилар.

Муҳтарам оталар — тулинг оёққа
Аёллар — ёпишинг, кетмон таёққа.
Қўрқа-қўрқа қийин аҳволга тушдик.
Тақдир нима бўлса кўрилсин энди.
Фикр қозонда, қайналдик, пишдик,
Тегма, қон жўш уриб тўкилсин энди.

Ўтирманг, ёш жувонлар, қул бўлиб,
Қолманглар, туркманлар, элга тил бўлиб,
Шафқатсиз душманга асир-қул бўлиб,
Олди санги тоққа сурилсин энди.

Ноҳақ тўкилмасин қизил қонимиз,
Душманга қолмасин, бутун номимиз.
Ёдга олдинг, омонатдир жонимиз,
Юрт учун зарур бўлса берилсин энди.

Кекса одам

Туғилдим, улғайдим, ўсдим,
Саксон йиллаб қор босдим,
Юрт йўлида урушдим,
Сонсиз марта бўғишдим,
Қонни қонга бўйайман,
Қараманг саксон ёшга,
Юринг, дўстлар, савашга!

Залили қўлида ўқ-ёй бир неча ўғил болалар билан кирди.

З а л и л и

Оталардан таълим олдик,
Ей отишни биз ўргандик.
Ажабланманг боқманг ёшга,
Биз кирамиз урушга,
Тешикдан ҳам тез ўтамиз,
Кўзга тушмай биз етамиз,
Пайдо бўлиб ичларида,
Ўқ экамиз тўшларида.

Қўлларида кетмон аёллар, ёш-яланглар қатор-қатор ўтишади.

М а х т у м қ у л и

Ёши етган араб, оти шонида
Маълум бўлмас, тепинадур туз надир,
Кучга тўлган мард йигитнинг ёнида
Олтмиш надир, етмиш надир, юз надир?

Қоплон каби ҳайқириб кир майдонга,
Тулки каби ўйин солинг ҳар ёнга,
Турганда қоядек туриб мардона,
Олар ердан от солмоғлиқ керакдир.

Махтумқули йигитларнинг изидан сўнги бандини айтиб чиқади.

О з о д и й

(хавотирланиб киради, атрофга қарайди)

Назармат, сардор ҳам тезроқ етишса,
Ёв лашкарга ўзин бўридек урса...

Раис бир тўп навкар билан бостириб киради.

Қани Махтумқули?

Озодий

Махтумқули, мен!

Раис

Жим бўл, аблаҳ, ўз ҳаддингдан ошдинг сен!

Озодий

Ҳали вақт бор, қайтар, раис, қўшинни!

Раис

Сув қирғоқдан ошгандан сўнг не фойда?
Боғингизда бўламиз булбули шайдо...
Махтумқули ерга кирса ҳам топинг,
Қаршилиқ кўрсатса, агарда чопинг!

Бир неча навкар тўрт томонга изгишади, қўлларида ҳар хил тугун, бир навкар бир қизни судраб киради.

Биринчи қиз

Мадад беринг, оғалар,

Озодий

Ҳой тўнғизлар, қўйворинг!

(Ташланади.)

Раис

Бу аблаҳ қарини қўлларин боғланг!

Озодийни туттишади. Залили бекиниб келиб навкарни отади. Навкар белини туттиб, ўтириб қолади. Қиз қочади. Залили яна яширинади.

Итлар, ҳушёр бўлинг, бўри емасин!

Икки навкар Менглини судраб кирадилар. Раис мўйловини бураб тиржаяди.

Қандай ширин, сўлқиллаган бир жонон,
Хонга совға қилсам олурман нишон,
Юзлари бор олмадек қон талашган,
Шарбат оққан лабларга хол ярашган.
Жамолинга, офатижон, офарин,
Ғунча каби дудоқлардан ўпайин,
Бу жононни кажавага кўтаринг.

Озодий навкарга ташланади. Қорнига қўндоқ билан урадилар.

Р а и с

Маҳкам қилиб боғланг қари кўппакни!

О з о д и й

(судралиб бораркан)
Суякларни кемирган, эй йиртқичлар!
(Айиқ каби ҳамла қилади.)

М е н г л и

Эй аблаҳ, ножинслар!

Р а и с

Боғланг қўлларин!

Менглининг қўлларини боғлаб.

М е н г л и

Ҳаром, ножинс, ҳозир мени боғлайсан,
Хотиржам бўл, мени тирик олмайсан!

Қўллари боғланган Менглини кўтариб кетаётганларида ўқдек отилиб
Махтумқули киради.

М е н г л и

Махтумқули!

М а х т у м қ у л и

Сенми, Менгли?

(Менглини ажратиб олади.)

Р а и с

Сотқин шоир, қўйвор қизни.. ўласан!

М а х т у м қ у л и

Итдан туққан, нега бундай ҳурасан?

Раис отмоқчи бўлганда Чўздур етиб келиб, қилич солади. Тўппонча юқорига отилади. Раис йиқилади. Чўздур навкарни уради, Махтумқули Менглини бағрига олади. Биринчи деҳқон киради.

М а х т у м қ у л и

Келдингми, дўстим!

Б и р и н ч и д е ҳ қ о н

Келдим, севар Халифам!
Аҳли қариндошдан кўпдан-кўп салом.

М а х т у м қ у л и

Аҳвол ёмон, нима хабар келтирдинг?

Б и р и н ч и д е ҳ қ о н

Халифам топшириғини бажардим.
Така солар, қариндошинг мардидан —
Беш минг отли кирди ёвнинг сиртидан.

Махтумқули биринчи деҳқонни ҳаяжон билан қучоқлайди.

М а х т у м қ у л и

Қурбон қилич ўтиб кетди ёв томон,

Б и р и н ч и д е ҳ қ о н

Айби йўқ, бўлур пушаймон.

О з о д и й к и р а д и .

Қурбон қилгин хонга қилич урилар.

Н а з а р м а т с а р д о р к и р а д и .

О з о д и й

Арслонлар душманга албат зўр келар,

(Сардорга Махтумқулини кўрсатиб.)

Назармат сардор!

Н а з а р м а т

Салом, қариндош!

М а х т у м қ у л и

Уз вақтида келдинг, сардор, йўлга туш!

О з о д и й

(бу томондан келган Чўвдурга)

Мана сенга, сардор, уч минг баҳодир!

Н а з а р м а т

Навкарлар чопиш ҳам отишга қодир!

М а х т у м қ у л и

Душманнинг ортидан Така ҳам Соли,
Қармиси, еркўз, ёвмут, кўкленглар!
Икки ёндан тўсиб олиб, мажақланг!
Отланинг, арслонлар, тезроқ борайлик!

Ч ў в д у р

(команда беради)

Назармат сардор, жўна сен бундан!
Қилич яланглаб кир, душман йўнгидан!
Душманнинг кучи кон, бўлгин хабардор!

Назармат

Буйруғингизни бажарай, сардор!

(Назармат навкарларига хитоб қилади.)

Ботирлар, отланинг душман устига!

Қўшин жўнай бошлади. Махтумқули қўшинларнинг шарафига шеър ўқийди.

Махтумқули

Ёвмит, кўкленг савлат тўкиб ўзидан,
Чиқди қўшиқ, ўнги орти билинмас.
Сигмай чиқди дашту сахро чўлидан,
Юрган йўли, қўнган юрти билинмас.
Қирғий, солсанг туйғун билан топишар,
Ҳайбатидан тоғу тошлар титрашар.
Ўлик қочиб, тирикларга ёпишар,
Арслони, тулкиси, зўри билинмас.

Уч минг найзабози бордир навкардан,
Тўрт минг баҳодир бор қалъа йироқдан.
Така, солур юриш қолди юқоридан,
Олдида ўйдим-чуқур жари билинмас.

Махтумқули мардникидир бу майдон,
От дамидан тўлар замину замон.
Душманлар титрашиб десин: «ал-омон!»
Хуросоннинг ҳоки гарди билинмас.

Чўвдур

Мен, халифам, кетаман.

Махтумқули

Бор, севар дўстим,
Душманни тор-мор эт!
Ғолиб музаффар —
Қайтиб кел тезроқ!

(Чўвдурни қучиб хайрлашади.)

ОЛТИНЧИ ҚҰРИНИШ

Биринчи кўринишдаги сахна. Оқшом. Қ а р и - қ а р т а н г л а р оғир кайфиятда

М а х т у м қ у л и

Ҳафтадан кўп бўлди зўр қўшин кетди,
Бизга маълум эмас қандай жанг этди.
Чўвдур сардор яраланмиш.

К е к с а а ё л

Вой, шўрим!

М а х т у м қ у л и

Йўлдошнинг дардига этайлик дармон,
Одамлар! Ғам чекманг, эшитинг сўзим,
Бу сафарга отланаман мен ўзим.

Қ а р и я

Яроқ тутар йўқ-ку икки оёқли,
Сен кетсанг, қишлоқни якка таяқли —
Талон-торож этар.

М а х т у м қ у л и

Рахна солмагин.

Қ а р и я

Эрта оқшомдан сен кечга қолмагин.

Қ а р и а ё л

Аллақандай овоз...

Қ а р и я

Қулоқ солинглар!

О в о з

Туркман халқи, кўзинг ойдин э-ҳа-ҳо-ов!

Шодланиб қарашади. От дупури эшитилади. Озодий қамчи ўйнатиб киради.

О з о д и й

Душман қирилди-ю, сафи бузилди,
Лашкарбошисин бўйни узилди.
Сақарга жўнади Қурбон-Қиличхон,
Қум ичида оқди қанча ҳаром қон,
Сонсиз асир, ўнлаб тўп ҳам олинди.

М а х т у м қ у л и

(отасини қучоқлаб)

Отахон, хайрият, зафар муборак!

О з о д и й

Улкамиз озод!
Озоднинг сўзи озод, ўзи озод!

М а х т у м қ у л и

Қани, Чўвдур?

О з о д и й

Ярадор бўлди Чўвдур.

М а х т у м қ у л и

Балки хатарлидир сардор яраси?

О з о д и й

Ярани ҳам сардор писанд этмайди,
Қўлда алам, оти ойга сакрайди.

М а х т у м қ у л и

Жамоат чиқайлик истиқболига...

Кекса аёл

Бир саноч бўғирсоқ бор, сочай бошидан.

Озодий

Тўй-томоша бугун. Кулинг, шодланинг!

Қария

Уйнанг, кулинг, қучоқларни кенг очинг.

Бир ёндан чиқадилар.

Озодий

Савлат тўкиб катта қўшин келяпти,
Тантанали огир қўшин келяпти.

Махтумқули

Бу келганлар кимлар?

Кекса аёл

Ҳи-қиҳ! Нўбат-Нўбатхон-ку!

Нўбатхон ёнида беш-ўн туркман, етти-саккиз эрон навкар-
лари, эрон офицери — даҳшат билан бостириб киради. Тўғри Махтум-
қулининг устига ўдағайлаб боради.

Нўбатхон

Эй, Афлотун, кўчмадингми ҳали ҳам?

Озодий

Ботир одам элин қувмас, Нўбатхон!

Нўбатхон

Кўч-кўронинг кўтар, ҳозир, шу замон!

Махтумқули

Юрт меники, мен юртники: тарк этмам!

Н ў б а т х о н

Қўрсатаман сенга! Боғланг қўлларин!
Уринг, қамчиланг!

М а х т у м қ у л и

Эрон, Турон, энди қўлинг остида,
Сургин энди бу давронни, Нўбатхон!
Бу кун хонсан, эрта гадо бўларсан,
Элдан, кучдан, тилдан жудо бўларсан.
Фармонингдан талон тушди элларга,
Қўлинг урдинг ноҳақ кўзда селларга,
Қирқ қамчи буюрдинг нозик белларга,
Дарё эттинг кўзда қонни, Нўбатхон.
Айирдинг отадан, онадан, қардошдан,
Қўллар, оёқлардан, соқолдан, сочдан.
Дандондан, забондан, ақлдан, ҳушдан,
Зиндон эттинг бу жаҳонни, Нўбатхон!

Н ў б а т х о н

Отга тиркаб қайиринг,
Эзинг вужудин.

Боғлашга киришадилар.

М а х т у м қ у л и

Хоин! Меним қўл-оёғим боғларсан,
Мажруҳ қилиб, юрагимни доғларсан,
Озод сўзим, лекин боғлай олмайсан.
Иложинг йўқ, бугун ўлмай қолмайсан!

Н ў б а т х о н

На сўзингдан, на ўзингдан номи нишон,
Ёнсин ғазаллари, ёнсин бу шайтон!

Навкарлар уйга қараб югуришади.

О з о д и й

Нўбатхон, сен шоир билан тенг бўлма,
Оллонинг номи бор, китоб ёндирма.

Нўбатхон

Чекил қари! Иблис сўзи ёнар бунда.

Махтумқули

Номардга ёлборма, ҳеч раҳми келмас,
Сўзим ўтда ёнмас, сувда фарқ бўлмас.

Ўтга катта-катта китобларни келтириб отишади.

Нўбатхон

Ана ёдгоринг, ўтга кўз ташла, ха-ха-ха!

Озодий

Яхшилар, бу қандай ноҳақлик.

Қария

(Қиличини чиқариб, Нўбатхонга қараб югуради)

Мана бундай бўлади.

Қилич қиличга тегиб қариянинг қўлидан тушади. Уни йиқитишади. Озодий ташланади, уни ҳам туттишади. Қитобга ёпишган аёлларни қамчилашади. Махтумқули боғланган. Ўт ёнади. Аланга тобора авж олади.

Махтумқули

Қўшиқларим халқнинг оғзида қолар,
Қўшиқларим мардни жангларга солар,
Қўшиқларим янграр, дарёдай оқар,
Ўтда ёнмас, сўзим сувда фарқ бўлмас.

Менгли

Севги ўтига тушдим, парвона бўлдим энди,
Шавқинг йўлида куйдим, гирёна бўлдим энди,
Жисмим кабоб бўлди, бирёна бўлдим энди,
Ганж истаганлар келсин, вайрона бўлдим энди,
Айрилдим севганимдан, бегона бўлдим энди.
Жудо бўлдим ёримдан, сўзона бўлдим энди.
Дунё менга кулмади, мен ҳам баҳра олмасман,
Ўтим ўткир, дардим кўп, хушвақт бўлиб

кулмасман.

Қийматбаҳо оламни, олти пулга олмасман.
Дўст қайси, душман қайси, фарқин сира билмасман,
Жудо бўлдим ёримдан, сўзона бўлдим энди.

Менгли келиб ўзини Махтумқулига отади.

Махтумқули

Менглижоним!

Менгли

Тегма унга, эй тасқара навкар, кет!

Менгли Махтумқулининг оёғига йиқилади, йиғлайди.

Махтумқули

Менглижоним!

Менгли

Айланайин тилингдан!

Менгли арқонга ёпишганда уни тутиб, нарига силтаб ташлашади.

Нўбатхон

Жим бўл, чўри, кўз ўнгидан гум бўл, сен!

Менгли

Ё бўшатаман, ёки бирга ўламан!

Махтумқули

*(ҳаяжон билан қарайди. Менгли йиртқичлар панжасида,
Чўвдир кўринмайди)*

Ёз келар, қиш ҳам кетар, гафлатда қолмиш кўзларим.

Очайин десам очилмас на оғир уйқулидир?
Нотаниш сўрганлар, айтнинг гариб бу отимиз
Асли Геркўз, юрти Атрак, оти Махтумқулидир.

Н ў б а т х о н

Юрт эмас, ўзингдан ҳам дарак топмассан,
Отга ортинг... жони зори титрасин!
Фатхали қўшини тутиб ер юзин,
Урнига қўйдим мен, улуғ шоҳ сўзин.

О з о д и й

(тўппончасини отади)

Мана сенинг насибанг!

Ўқ эрон офицерига тегиб, у йиқилади.

Н ў б а т х о н

Ўлдирди дўстимни... Ўлсин бу хоин!

Навкар Озодийга ташланганида, Чўвдур, биринчи, иккинчи деҳқон ҳам бошқа навкарлар билан келиб етишади. Чўвдур арқонни қилич билан кесиб Махтумқулининг қўлларини бўшатади. Нўбатхон тўппонча ўқталади. Тўппонча отилади, қилич чопилади. Иккита катта гавда икки томонга йиқилади. Биринчи, иккинчи деҳқон ва навкарлар Нўбатхон навкарларини қувиб кетишади, Махтумқули Чўвдурни қучоқлайди, калласини тиззаси устига қўяди.

М а х т у м қ у л и

Оҳ, менинг вужудим қақшатдинг, фалак,
Севикли дўст! Афсус, сен бўлдинг ҳалок.

Ч ў в д у р

(кўзларини очади)

Дўс-стим... дўст-тим... шундай ўлим...
Бахтдир...

М а х т у м қ у л и

Қадрли дўст...

Ч ў в д у р

Хуш қо...л!..

Махтумқули

(фарёд кўтаради)

Чўвдурхон, суянчим, кўнглим тирагим,
Мени ҳайрон қилиб кетдинг зорлар ичида,
Ўт юракли полвоним, элга керагим,
Халқни қўйиб кетдинг норлар ичида,
Махтумқули ҳамдам, оқил сирдошинг
Тута билмас ўзин, тўкиб кўз ёшин,
Туман чалди тоғлар, чўққилар бошин,
Ою кунлар ботди зорлар ичида.
Туркман томирида юрган қадар қон,
Отинг билан янграр қўшиқ, соз, жаҳон.
Сувлиқ чайнаб учган бедов устида
Келар бир кун порлоқ кундек ҳақиқат!

Пауза. Менгли шоирнинг кўлида қолган арқонни узади. Залили шошилиб киради.

Залили

Тоға, тоға, тоға!

Ерда ётганларни кўриб, жим қолади.

Махтумқули

Залилим! Мардларча юртингни сақла,
Бу Ватан — онамиз пок сутин оқла!
Душман битмагунча қайтма урушдан
Келажак ёғду олсин эркин турмушдан.

Парда.